

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

ТОЗА ХАВО УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 1 декабрь куни Ўзбекистонда экологик барқарорликни таъминлаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.



Йиғилишда Тошкент шаҳридаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича махсус комиссиянинг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш борасидаги ишлар ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Президент нафақат пойтахтда, балки ҳудудларда ҳам экологик вазиятни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни давом эттириш, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш, ҳаво сифатига таъсир этувчи барча омилларни қатъий назорат қилишни таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

2



▼ Бугуннинг гапи

ИҚТИСОДИЙ МАНФААТ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКДАН УСТУНМИ?

Масала – фақат назорат билан ҳал бўлмайди. Иқтисодий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, энергия самарадор ускуналар хариди учун имтиёзли кредитлар ажратиш, тадбиркорлар ўртасида узлуксиз тушунтириш ва экологик маданиятни ошириш ишларини кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Зеро, атроф-муҳитни асраш – бу фақат давлат ёки назорат органларининг вазифаси эмас. Бу жамиятнинг ҳар бир аъзосига тааллуқли бўлган умумий масъулиятдир.

2



Viloyat bo'ylab

TOSHKENT viloyatida havoni ifloslantiruvchi moddalarning belgilangan me'yordan ortib ketish sabablarini o'rganish, energiya resurslaridan noqonuniy foydalanish holatlarini aniqlash va ularga nisbatan keskin chora ko'rish masalalari yuzasidan kengaytirilgan yig'ilish o'tkazildi. Nazorat tadbirlarida issiqxonaga egalari ekologik talablarga qat'iy rioya qilish, chang-gazni tozalash uskunalarini o'rnatish, rezina va boshqa turdagi chiqindilarni yoqilg'i sifatida ishlatmaslik haqida qat'iy ogohlantirildi.

VILOYAT hokimi o'rinbosari, Oila va xotin-qizlar boshqarmasi boshlig'i Nilufar Normirzayeva boshchiligida bir guruh tadbirkor ayollar Mo'ynoq tumanida bo'lib, o'z tajribalari bilan o'rtog'lashdilar, seminar va treninglarda qatnashdilar. Uchrashuv va muloqotlarda tumanda xotin-qizlarning ijtimoiy-iqtisodiy faolligini oshirishga qaratilgan ishlar, ularning yashash sharoiti, mavjud muammolar, bandlikni oshirish bo'yicha takliflar muhokama qilindi.

NURAFSHON shahrida Korruptsiyaga qarshi kurashish hududiy kengashlari faoliyatini kuchaytirishga qaratilgan ikki kunlik seminar bo'lib o'tdi. Unda ishtirok etgan hududiy kengashlar a'zolari, mahalliy hokimiyat organlari va fuqarolik jamiyati institutlari vakillari korruptsiyaviy xavf-xatarlarni aniqlashning amaliy usullarini joriy etish, xarajatlar va qabul qilinayotgan qarorlar ustidan jamoatchilik nazoratini kuchaytirish borasida tajribalarini oshirishdi.

OHANGARON tumanidagi "Mahliyo nur" fermer xo'jaligida "Har bir kun – bu imkoniyat, har bir kun – kelajak uchun poydevor" mavzusida amaliy seminar tashkil etildi. Unda bog'-tokzorlardagi bo'sh maydonlardan samarali foydalanish, dala chetlariga manzarali va mevali ko'chatlar ekish, shuningdek, bog' qator oralariga to'qsonbosti ekinlarni joylashtirish bo'yicha amaliy va nazariy tushunchalar berildi.

BO'KA tumanining "Madaniyat va aholi dam olish markazi"da 3 dekabr – Xalqaro nogironlar kuni munosabati bilan imkoniyati cheklangan san'atkorlardan tashkil etilgan ijodiy guruh tomonidan konsert dasturi namoyish qilindi. Ular ijrosidagi kuy-qo'shiq va sahna ko'rinishlari tomoshabinlar tomonidan iliq kutib olindi.

БАРАКА – ОБОДЛИКДА



4

"Toshkent viloyati – Rossiya federatsiyasi: iqtisodiy aloqalar mustahkamlanmoqda"

Shu kunlarda Rossiya Federatsiyasi Federal Majlisi Federatsiya Kengashi qo'mitasi raisi A.Shevchenko boshchiligidagi delegatsiya mamlakatimizda mehmon bo'lib turibdi.

▼ Hamkorlik



Tashrif dasturiga muvofiq, bugun viloyat hokimi Zoyir Mirzayev Yangi Toshkentdagi "Conference Hall" majmuasida delegatsiya a'zolari bilan uchrashib, muloqot o'tkazdi. Muloqot avvalida viloyat rahbari martabali mehmonlarga tashrif uchun minnatdorlik bildirib, bu tashrif O'zbekiston va Rossiya mint-

eshigini ochayotgani bilan ham ahamiyatidir.

Muloqot chog'ida iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish, sanoat, qishloq xo'jaligi va logistika yo'nalishlarida yangi qo'shma loyihalarni amalga oshirish, mahalliy o'zini o'zi boshqarish va hududiy rivojlanish borasida tajriba



aqalari o'rtasidagi an'anaviy do'stlik va ishonchli hamkorlikni yanada mustahkamlashga xizmat qilishini alohida ta'kidladi.

Xususan, keyingi yillarda mamlakatlarimiz hududlari o'rtasida amalga oshirilayotgan qo'shma loyihalar nafaqat o'zaro manfaatli iqtisodiy hamkorlikni kengaytirayotgani, balki biznes, ilm-fan, ta'lim va ijtimoiy sohalarida yangi imkoniyatlar

almashish masalalari atroflicha muhokama qilindi.

Tomonlar kelgusida o'zaro uchrashuvlar va amaliy muloqotlar, bordi-keldilarni faollashtirish, mavjud imkoniyatlarni to'liq safarbar etish orqali yangi ijtimoiy-iqtisodiy loyihalar ro'yobiga keng yo'l ochishga har taraflama tayyor ekanliklarini bildirishdi.

Toshkent viloyati hokimligi Axborot xizmati



4

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига

2026 йил учун ОБУНА БЎЛИНГ!

Йиллик обуна баҳоси (тўғридан-тўғри тахририят билан шартнома қилинганда):

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – 896 300 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 205

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – 586 200 СЎМ;
Нашр кўрсаткичи – 207

Etказиб бериш хизмати ичида.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳафтада икки мартаба – чоршанба ва шанба кунлари, «Ташкентская правда» газетаси эса жума куни чоп этилади.

Обуна тахририятда, почта филиаллари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларда расмийлаштирилади.

Мурожаат учун телефон: +998 97 432-00-35



ТОЗА ХАВО УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Этибор беряспизми, пандемия вақтида тақилган тиббий никоблар яна "урф"га кирди. Улар энди касалликдан эмас, чангдан ҳимоя қилиш вазифасини ўтамоқда. Одамлар бу никоблар майда заррачаларни тўтиб қола олмаслигини билишсада шу йўл билан ўзларини ҳимоя қилишга уринишмоқда.

Сўнгги ҳафтalarda ҳавонинг ифлосланиши кун мавзусига айлангани барчага маълум. 20 ноябрь куни Тошкент шаҳри дунёнинг йирик шаҳарлари орасида ҳавонинг ифлосланиши даражаси бўйича 2-ўринга чиқди. Бунга асосий сабаб ҳавода захарли РМ 2,5 заррачаларнинг меъёрдан бир неча баробар ортиб кетгани бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳаводаги ифлосланишнинг 36 фоизи табиий чанг ҳисобига, 28 фоизи эса иссиқлик таъминотида чикаётган захарли тугунлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундан ташқари, қурилиш объектларидан кўтарилаётган чанг, транспорт воситалари ва саноат корхоналари томонидан ҳавога чиқарилаётган захарли газларнинг сезиларли даражада таъсири бор.

Айни кунларда юртимиз бўйлаб атмосфера ҳавосини мониторинг қилиш, шунингдек, атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш ҳамда аҳоли саломатлигига зарарли таъсирни камайтириш бўйича теозор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилашга доир Президент фармони ижроси доирасида махсус комиссия тўзилиб, пойтахт ва унга туташ ҳудудларда фаолият

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

юритаётган иссиқхоналар ўрганилмоқда. Мақсад – ҳавони ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш ва қонунбузарликларга чек қўйиш.

Шунингдек, виллоятимизда ҳам ҳудудлар кесимида бу каби ўрганишлар олиб борилиб, экологик вазиятни яхшилаш чоралари кўрилади.

Жумладан, Урта Чирчиқ туманидаги 12 та иссиқхона ўрганилганда,



улардан 1 тасида қурилиш бўлаётгани, 2 та иссиқхона иш фаолиятида эмаслиги, 4 та кўмир ёқиладиган иссиқхонада махсус филтёрлар ўрнатилгани, 1 таси эса табиий газ билан таъминлангани, 4 та кўмир билан иситишга мослашган иссиқхонада ҳали қозонхона ёқилмагани аниқланди.

– Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, албатта, ташвишланарли ҳолат, – дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси Урта Чирчиқ тумани бўлими бошлиғи Элёр Қўшбоев. – Сабаби, ҳавонинг ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, аллергия ва нафас олиш тизими касалликларини келтириб чиқаради. Маълумки, энергетика, транспорт, қиш-



лоқ ҳўжалиги соҳалари, шунингдек, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали ҳавога зарарли моддалар ва кимёвий бирикмалар чиқариб, улар ўзаро реакцияга киришиб, атмосферада иккиламчи ифлосланишни ҳосил қилади. Жараён чегара билмайди. Ҳавога чиқарилган ташланма минглаб километр наридаги ҳудудга ўтиши ва чўкиши мумкин. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тумандаги иссиқхоналарга тунги рейдлар уюштирилиб, қонунбузарлар аниқланмоқда, бошқаларга эса керакли тавсиялар берилмоқда.

"Фаровон ҳаёт калити" масъулияти чекланган жамиятига қарашли 2 гектар иссиқхонада Жанубий Корея технологияси асосида гидропоника усулида, томчилатиб суғориш, ўсимлик томиридан иссиқлик бериш усулида помидор етиштирилади. "Pink paradise" навли помидорнинг 200 тоннаси Россияга экспорт қилинмоқда. Корхонада 22 та иш ўрни яратилган. Иссиқхона кўмирда иситилади. Ҳавога зарарли ажралмалар чиқишининг олдини олиш мақсадида замонавий филтёр ўрнатилган. Ушбу ускуна 99,5 фоиз зарарли газлар ҳавога чиқишининг олдини олади.

"Агро сервис орзу" масъулияти чекланган жамияти туманининг "Янги турмуш" маҳалласида жойлашган. Жа-



миятга тегишли иссиқхона 800 минг АҚШ доллари эвазига барпо этилган бўлиб, 1 гектар ерда қулупнай етиштирилади.

Рақамлаштирилган технологиялар ёрдамида бошқариладиган иссиқхонада 50 нафар иш ўрни яратилган. Ҳозирги кунда бу ерда Американинг йил давомида ҳосил берадиган "Альбион", "Кабрилло" ва "Монтерей" навларидан бир кунда 1 тоннагача ҳосил олинмоқда. Уларни Саудия Арабистони, Россия ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилиш учун шартномалар имзоланган.

– Қулупнайларнинг бир маромда етилиши учун иссиқхонадаги ҳарорат +16, +17 даража бўлиши керак, – дейди жамият агрономи Ашуралли Отажонов. – Иссиқликни етказиш учун кўмирдан фойдаланамиз. МЧК ўтган йили ташкил этилган эди. Бу йил қозонхонага қўлбола филтёр ўрнатдик. Филтёрнинг керакли қисмлари четдан олиб келинди ва маҳаллий мутахассислар томонидан йиғиб, ишга туширилди. Бу филтёр кўмирдан чиқайётган зарарли моддаларнинг маълум қисмини буга айлантириб, қолганини махсус идишда чўкма ҳолига келтиради. Ҳавога турли ажралмалар чиқишининг олдини олади.

Таъкидлаш жоизки, тоза ҳаво ҳаммамиз учун керак. Шу сабабли, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига йўл қўймасликка барчамиз бирдек масъул бўлайлик.

Бу борадаги рейдлар виллоятимиз бўйлаб давом этади.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Меҳриддин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

▼ Қарор ва ижро

Мамлакатимизда оилаларнинг тинч ва бахтли яшаши, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, катталарга ҳурмат, ота-онага садоқат каби улғў қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ҳаётда гуручга аралаш курмак мисол баъзан оилавий муносабатларга етарлича эътибор берилмаслиги, қадриятлар қадрининг пасайиши, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар оқибатида ажримлар кўпаймоқда. Ачинарлиси эса, бу тирик етим болалар назоратсизлиги каби салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

ОИЛА МУҲИТИ – ЯХШИ ТАРБИЯНИНГ АСОСИ

Шу мақсадда тузилган Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари бундай муаммоларни бартараф этиш, қаровсиз қолган болаларнинг ҳолати ва оилавий муҳитини чуқур ўрганишда муҳим ўрин тутди. Болалар билан суҳбат ўтказилиб, уларнинг шахси, ўқиши, хулқ-атвори, оиладаги вазият ва қаровсизликка олиб келган

бинога кўчирилди ва 24 соатлик иш режими жорий этилди.

Хабарингиз бор, охириги йилларда болалар уйларининг фаолияти қайта кўриб чиқилиб, уларнинг аксарии епилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оила муҳитида тарбиялашга эътибор кучайтирилиб, кичик ҳажмли оилавий болалар



омилар аниқланади. Ота-оналар қақрилиб, уларга зарур тавсиялар берилди.

Виллоятимизда ҳам мазкур йўналишда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги "Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим меъёрий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Виллоят ИИББ етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази раҳбари, подполковник Маҳфуза Сирожованин таъкидлашча,

профилактика инспектори қаровсиз болани аниқлаган ҳар қандай ҳудудий ички ишлар органларига хабар беради. Боланинг айрим иссиқхона эгалари учун иқтисодий манфаат экологик хавфсизликдан устун келмаётди.

Демак, масала фақат назорат билан эмас. Иқтисодий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, энергия самарадор ускуналар хариди учун имтиёзли кредитлар ажратиш, тадбиркорлар ўртасида узлуksиз тушунтириш ва экологик маданиятни ошириш ишларини кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Зеро, атроф-муҳитни асраш – бу фақат давлат ёки назорат органларининг вазифаси эмас. Бу жамиятнинг ҳар бир аъзосига тааллуқли бўлган умумий масъулиятдир.

ЗУХРИДДИН РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Эндиликда марказда болалар билан 48 соатдан ташқари, 3 ойдан 6 ойгача муддатда иш олиб бориш таклиф этилмоқда. Сабаби – болаларнинг руҳияти, дунёқарашини ва оилага муносабатини узоқ муддатли тарбия орқали ижобий томонга ўзгариши мумкин. Бирок айрим ҳолларда оилавий муҳит ўзгармагани боис, болани қайта ўша муҳитга жўнатиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолади.

Шундай вазиятларда маҳалла ижтимоий ҳодимлари ҳам оилалар билан яқиндан иш олиб бориши, уларни болалар учун янада қўлай муҳитга тайёрлаш зарур. Шу билан бирга, зўравонликка учраган, мажбурий меҳнатга жалб қилинган, травма олган болаларни марказда вақтинча қўлдириш ҳуқуқини кенгайтириш бўйича ҳам таклифлар илгари сурилмоқда.

Асосий мақсад – ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим ролни ойнайди. Асосий мақсад – ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим ролни ойнайди. Асосий мақсад – ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим ролни ойнайди.

Асосий мақсад – ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим ролни ойнайди. Асосий мақсад – ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим ролни ойнайди.

Асосий мақсад – ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим ролни ойнайди. Асосий мақсад – ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим ролни ойнайди.

НИГОРА ҲАҚИҚАТИ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

ИҚТИСОДИЙ МАНФААТ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКДАН УСТУНМИ?

Маълумки, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони**га мувофиқ, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида экологик вазиятни яхшилаш, атмосферага зарарли чиқиндилар ташланганини камайтириш мақсадида масъул идора ва ташкилотлар вакилларидан иборат Махсус комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Комиссия сўнгги кунларда атмосфера ифлосланиш манбаларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган кенг қўламли рейд тадбирларини амалга оширмоқда.

Шу муносабат билан, ўтказилаётган ўрганишларни иссиқхона ҳўжаликлари мисолида таҳлил қилиб чиқарилди. Махсус комиссиянинг 2025 йил 1 декабрдаги баёнотида қўра, жорий йилнинг 24-29 ноябрь кунлари давомида жами 1 минг 788 та иссиқхона (уларнинг аксарияти Тошкент шаҳрига туташ бўлган ҳудудларда жойлашган) ўрганилди. Бу рақамнинг ўзиёқ иссиқхона ҳўжаликлари қанчалик кўпайганидан далolat беради. Бироқ текширувлар айрим иссиқхоналар экологик талабларга жавоб бермаслиги, ҳатто фаолият юритиш учун зарур бўлган минимал техник инфратўзимга эга эмаслигини ҳам очиқлаб берди.

Текширувлар натижасида 73 та иссиқхона фаолияти тўхтатилди, 621 нафар шахсга маълумий баённома расмийлаштирилди, 19 та ҳўжаликка

насида арзон, лекин экологик хавфли ёқилғи турларидан фойдаланиб келар экан.

Текширув давомида 226 та иссиқхона фаолияти ўрганилганда, 159 та объект аслида иссиқхона сифатида ишламаётгани, 32 тасида иситиш тизими йўқлиги, 29 таси марказий иситиш тизимига улангани, 1 таси табиий газдан фойдаланиши аниқланди. Бундан ташқари, 29 та иссиқхонада кўмир ёқилғиси, 5 та объектда ўтин ва бошқа қаттиқ ёқилғи турлари ишлатилаётгани маълум бўлди.

Бу ҳолатлар иссиқхона ҳўжаликлари инфратўзимларининг нотекис ривожлангани ва кўплаб тадбиркорлар экологик жиҳатдан хавфли анъанавий ёқилғидан фойдаланишда давом этаётганидан далolat бермоқда.

Ўрганишлар якунида Қўрай туманидаги бешта маҳаллада экологик талабларни бузган 9 та иссиқхона эгасида маълумий чоралар қўлланилди, талабларга мутлақо жавоб бермаган 1 та иссиқхона фаолияти тўхтатилди.

Таъкидлаш керакики, рейдлар давомида иссиқхона эгалари билан амалдаги қоидалар, техник регламентлар ва экологик талаблар юзасидан тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди. Бу эса муаммони бартараф этишда

жорий чоралар билан бирга профилактика ва хабардорлик ҳам муҳим омил эканини кўрсатади.

Мухтасар айтганда, Махсус комиссия ўтказган рейдлар Тошкент виллояти ва пойтахт атрофидаги экологик хаттарларни жиддийлаштирилмаслик учун зарур қадам бўлди. Қўрилаётган чоралар қисқа муддатда ижобий натижа бериши кутуляпти.

Аммо амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жарималар муаммони бутунлай бартараф этмайди. Чунки, афсуски, айрим иссиқхона эгалари учун иқтисодий манфаат экологик хавфсизликдан устун келмаётди.

Демак, масала фақат назорат билан эмас. Иқтисодий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, энергия самарадор ускуналар хариди учун имтиёзли кредитлар ажратиш, тадбиркорлар ўртасида узлуksиз тушунтириш ва экологик маданиятни ошириш ишларини кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Зеро, атроф-муҳитни асраш – бу фақат давлат ёки назорат органларининг вазифаси эмас. Бу жамиятнинг ҳар бир аъзосига тааллуқли бўлган умумий масъулиятдир.

ЗУХРИДДИН РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди

▼ Бугун – Халқаро ногиронлар куни



3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан виллоят Божхона бошқармаси ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги виллоят бошқармаси ҳамкорлигида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди" шиори остида байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбирда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий дастур намойиш этилди. Махсус кўргаз-



малар ва қизиқарли чиқишлар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Бу каби тадбирлар имконияти чекланган шахсларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган маънавий-маърифий дастур намойиш этилди. Махсус кўргаз-



малар ва қизиқарли чиқишлар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Бу каби тадбирлар имконияти чекланган шахсларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган маънавий-маърифий дастур намойиш этилди. Махсус кўргаз-

Тошкент виллояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

▼ Jamiyat

Bolaligi hali tugamagan, hayotdagi yo'lini tanlab ulgurmagan qizlarning taqdiri birgina qaror – erta turmush bilan butunlay o'zgarib ketayotgani bugun hech kimga sir emas.

Erta nikoh bugun nafaqat O'zbekistonda, balki ko'plab boshqa davlatlarda ham dolzarb muammolarning biri bo'lib qolmoqda. Masalaning jiddiyligi shundaki, erta turmush avvalo bola huquqlariga, ayniqsa, voyaga yetmagan qizlarning taqdiri va kelajagiga bevosita ta'sir ko'rsatadi.

Bolalikni o'g'irlayotgan uzuk

Yurtimizda erta nikohning kelib chiqishiga bir nechta omillar sabab bo'ladi. Diniy va an'anaviy tushunchalarning noto'g'ri talqin qilinishi, ayrim hududlarda qizlarni yoshligida turmushga beshiga odatiy hol sifatida qaralishi, iqtisodiy bosim va oilaviy qarindoshchilik munosabatlarida shakllangan stereotiplar shular jumlasidan. Ba'zan qizlar erta nikohning salbiy oqibatlarini haqida yetarli ma'lumotga ega bo'lmaydi. Ayrim oilalar esa moliyaviy qiyinchiliklardan chiqish yoki ikki oilaning manfaatidan kelib chiqib qizlarini shartli tarzda, yo bo'lmasa bosim ostida erta turmushga uzatadi. Mahalla va oila institutlarining tadqiqotlariga ko'ra, erta turmushga chiqayotganlarning 70 foizi bunga ota-onasi yoki qarindoshlari sababchi bo'lganini tan olgan.



Erta nikohning oqibatlarini ko'p hollarda salbiy tomonlarga namoyon bo'ladi. Sog'liq tomonlarga tug'uruv asoratlari, infeksiyalarga moyillik, onalar o'limi xavfining ortishi, nosog'lom farzand tug'ilish ehtimolining ko'payishi kabi xavflar shular jumlasidan. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, O'zbekistonda erta turmush tufayli o'smir qizlarning 38,2 foizida sog'ligi bilan bog'liq muammolar kuzatilgan.

Bundan tashqari, mazkur holat ularning ta'lim jarayoniga ham ta'sir o'tkazmay qo'ymaydi. Erta nikoh yoki erta homiladorlik tufayli ko'plab qizlar o'qishni davom ettira olmaydi. Raqamlarga ko'ra, erta turmushga chiqqanlarning atigi 37,6 foizigina o'qishini davom ettirgan. Bu esa shaxsning kasbiy rivojlanishini cheklab, keyingi hayotida iqtisodiy qiyinchiliklar keltirib chiqaradi. Natijada oila barqarorligiga putir yetadi, jamiyatda qashshoqlik darajasi oshib boradi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, erta nikohdan keyin yosh oilalarning har to'rttasidan bittasi iqtisodiy muammolar bilan kurashishga majbur bo'lmoqda. Bu esa, o'z navbatida, ajrimlar sonining ko'payishiga ham sabab bo'ladi.

Mazkur masala haqida qonunlarimizda ham alohida o'talib o'tilgan. Xususan,

Bosh qomusimizda nikohning faqat ixtiyoriylik va tenglik tamoyillari asosida tuzilishi belgilangan. Oila kodeksida esa nikoh yoshi erkaklar va ayollar uchun 18 yosh etib qayd etilgan. Faqat ayrim uzrli holatlarda tuman yoki shahar hokimi bu yoshni bir yilga kamaytirishi mumkin.

Afsuski, bugun ayrim oilalar qonunlarni chetlab o'tgan holda davlat ro'yxatisiz, faqat diniy marosim orqali nikohdan o'tishga urinmoqda. Bu esa keyinchalik bola tug'ilganda hujjat rasmiylashtirishdagi

aybdorlarga tegishli choralar ko'rish bo'yicha murojaat bilan chiqadi.

Holat yuzasidan nikoh o'qigan shaxsga nisbatan Jinoyat kodeksining nikoh yoshi to'g'risidagi qonunchilikni yoki nikoh tuzish tartibini buzish, kuyovga ham Kodeksning tegishli moddalariga ko'ra jinoyat ishi qo'zg'atildi.

Bu kuzatilayotgan holatlardan bir misol xolos. Ana shunday qismat 155 nafar murg'ak qizlarning (ochiq-ancha bilan bundanda ko'proq bo'lishi ham mumkin) boshiga tushib ulgurgan. Tashvishlanarli hol, shunday emasmi?

Joriy yilning oktyabr oyida o'tkazilgan davoselektor yig'ilishida davlatimiz rahbari erta nikoh va ularning salbiy oqibatlarini haqida to'xtalib, mazkur holat hokimlar, "mahalla yetiligi", nuroniylar, butun jamoatchilikni qattiq tashvishga solishi kerakligini ta'kidlagan edi.

Xa, bu kabi holatlar birgina oilaning emas, butun bir jamiyatning muammosidir. Zero, oila jamiyatning asosiy bo'g'ini ekanligini unitmaslik lozim.

Erta nikoh bolalikni o'g'irlaydigan, kelajakka bolta uradigan, imkoniyat eshiklarini yopib qo'yadigan omil sifatida barchamizdan befarq bo'lmashini talab etadi. Unga qarshi kurash faqat huquqni muhofaza qiluvchi organlar yoki davlat idoralarining ishi emas. Bu – ota-onaning mas'uliyati, mahallaning e'tibori, maktabning tarbiyasi, jamoatchilikning pozitsiyasi va har bir fuqaroning faoliyati bilan bog'liq umumiy vazifa sanaladi. Qiz bola o'qishi, kasb egallashi, o'z yo'lini mustaqil tanlashi mumkin bo'lgan sog'lom muhitni yaratish – eng to'g'ri investitsiyadir.

Agar biz har bir bolaning huquqini himoya qilib, ularni bosim va an'ana niqobi ostidagi zo'rovonlikdan asray olsak, kelajakda jamiyatimizda yuksak ma'rifatga ega avlod shakllanadi.

Balki shu mas'uliyatni chinakam anglaganimizdagina, "bolalikni o'g'irlagan uzuk"lar tarixda qolar...

Shirin MEHRIDDINOVA, TDYU talabasi

▼ Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Юртимиз аҳли қадим замонлардан иқлим шароити яшаш учун қулай бўлган Амударё, Сирдарё ва Зарафшон водийларида яшаганлар. Пискент ҳудуди ҳам Қурама тоғ тизмаларининг этакларида, Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида, Чирчиқ-Оҳангарон соҳилининг бошланадиган ерида қулай жойлашганлиги туфайли қадимийдир.

Маълумотларга қараганда, Пискентнинг "Мингтепа" маҳалласи жойлашган ҳудуддан I асрларга оид асори-атиклар топилган. Масалан, бу қадим манзилларга Ислон дини келгунига қадар Зардуштийлик эътиқоди ҳукмрон бўлгани маълум. Одатга кўра, ўша даврда жасадни кушларга ем бўлиши учун "Дахма" деб аталувчи баланд жойга қўйишган. Ундан қолган суяклар "НОУС" деб аталган махсус идишларда сақланган. "Мингтепа"даги қирликлар археологлар томонидан ўрганилганда эрамининг I асрига оид инсон суяклари – "НОУС"ларнинг топилishi Бискат (Пискент) ўша даврда ташкил топган дейишимизга асос бўлади.

Пушти Махмуд тепалиги Пискентнинг дастлабки қисми бўлиб, VI-VII асрларда шаҳар типига кира бошлаган ва IX-X асрларда Бискат деб аталган шаҳар пайдо бўлган. БИСКАТ – форс-тожик сўзидан олинган бўлиб, "ийгирма" деган маънони англатади.

Нима учун шундай? Шошдан Фарғона водийси шаҳарларига ўтган савдо йўлида қулай жойлашганлиги сабабли қадимий Бискатда 20 та қарвонсарой бўлган.

Бискат XII асрларда раванқ топиб, Шош, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Кеш шаҳарлари каби ривожланган. Бискатнинг дарвозаси асосан тўртта бўлиб, унинг ичиде масжид, мадраса, ҳоким ва бошқа амалдорларнинг уйлари бўлган. Шаҳарнинг ички қисми Шаҳристон деб аталган. Шаҳарнинг ташқари "Работ" дейилган.

Саёҳатчи Е.Л.Марковнинг 1901 йили Санкт-Петербургда нашр қилинган "Долинами Чирчиқ и Ангрена. Селение Пискент" номли китобида ҳам бу қадим гўша ҳақида қизиқарли маълумотлар учрайди.

"Биз бу чиройли шаҳарча билан яхшилаб танишишга улгурдик, – деб ёзган эди муаллиф. – Узоқ йўл юриб, чарчаган отларнинг дам олиши лозимлиги сабабли эрталабки соат саккиздан то туш пайтигача бўш пайтимиз бор эди.

Пискент унча баланд бўлмаган тепаликда жойлашганлигидан, кенггина Оҳангарон воҳаси пасттекислигини гўё икки қисмга ажратиб турган ўзига хос оролга ўхшарди. Бу ерда жуда кўп дўконларни учратасиз. Пискент марказида руслар яшайдиган уйлари, рус-тузем мактабини, шаҳар пристави ва унинг ёрдамчилари яшайдиган хонадонларни кўрдик. Пискентнинг бундай мавқега эга бўлиши уни маълум маънода округ маъмурий маркази деб ҳисоблашга асос бўлади. Кўчон хонлиги даврига келиб ҳақиқий шаҳар бўлибгина қолмай, балки

ОҚ ЛАЙЛАКНИНГ Кўзларида ёш Кўрдим...



шу юртининг қадимий ва ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланган.

Далаларида экинзорлари ва боғлари сермаҳсул, қизгин савдо-сотиқлар ҳақиқатан ҳам бу ернинг шарқ бозорларига хошлигини кўрсатиб турар эди.

Туркистон шаҳарларидаги биз кўрган ҳамма уйлари ҳам Пискентдагидек бир-бирига яқин қилиб қурилмаган ва бир бутун ажойиб манзара ҳосил қилавермайдилар. Пискентдаги хонадонлар эса бир, баъзилари икки қаватли бўлиб, Доғистон овулларидеги уй-жойларни эслатади. Ясси томларида пичан гарамлари, султурчилар уюми босиб қўйилган. Гала-гала кушлар тўдасининг чоратрофдан ўз ризқларини топиб, учиб юришларини кўриш завқидир.

Ажабланарлиси шуки, шаҳар ичидеги кўчалар маълум бир тартибда тўғри ва кенг бўлиб, йўлнинг иккала четига мевали дарахтлар бир текис қилиб экилган. Дарахтлар остидеги ариқлардан доимо зилол сувлар оқиб турганини кўрасиз. Кен ва чуқур ариқлар устидан ҳар жой-ҳар жойга ёғочдан чиройли ва мустаҳкам кўприкчалар қурилган.

Битикларимизни қадимий Пискент ҳақидаги бу маълумотлар билан бошлаганимиз бежиз эмас.

Яқинда вилоят "Нуроний" жамғармаси раиси Абдусамат Носиров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси Собиржон Иномов каби бир неча фазрийларнинг фидойи меҳнати билан чоп этилган "Барҳаёт сиймолар ёҳуд пискентлик умри азиз инсонлар ҳаётидан лавҳалар" номли китобнинг иккинчи жилди билан танишиб чиққач, бу қадимий гўша ҳақидаги айрим мулоҳазаларни баён этишга қарор қилдим. Мустақиллик йилларида жаннатмақон

Ўзбекистонимизнинг ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқлари ҳақида рисоалар ёзиш яхши анъанага айланди. Адҳам ҳожи Маматқулов, Абдунаби ҳожи Сиддиқов каби зиёдорлар томонидан туман тарихи ҳақида ёзилган китобларни пискентликлар яхши билишади. Аммо кўплаб нодир маълумотлар жамланган, моддий имкониятга қараб камгина ададда чоп этилган бундай китобларни ҳам эндиликда фақат кутубхоналару айрим хонадонлар жавонларидан топиш мумкин, холос.

Надоматки, кураги ерга тегмаган паҳлавонлар, истеъдодли ижодкорлару таниқли олимларнинг киндик қони тўкилган, ўтмишига ҳамма ҳавас қиладиган Пискентда ҳанузгача битта музей ташкил қилинмаган...

Пискент шахрининг Бекобод маҳалласида бир қабристон бор. Маҳаллий аҳоли бу ерни "Сармозор" дейди. Айтишларича, улугларимиздан бири, ҳижрий 594 (милодий 1202) йили вафот этган Хаси Бузрук бобомиз ҳам шу қабристонга қўйилган. Пискентликлар ул зотнинг руҳи-поқларини шод қилиш ниятида XI асрда бу ерда мақбара қуришган.

Аммо ўтган асрнинг қатагон йилларида у буздириб ташланган. Ўша мақбарадан ҳозирги кунда фақат биригина минора қолган. Минора узоқ йиллар оқ лайлақларга кўнимгоҳ эди...

Одамлар бу муборак жойни Лайлақуя деб атаб, ёнидан доимо дуо қилиб ўтишади. Лекин кейинги йилларда бу ҳудудда мадраса қурилиши бошланди ва хайрли иш охирига етказилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Оқ лайлақлар эса бу ерларни тарқ этди... Яқинда Хаси Бузрук қабристонини зиёрат қилдим. Қаровислиқдан беш асрилик тарихий миноранинг юқори қисми тўкилиб кетаёзиди...

Тарихда ҳеч нарса исзис кетмайди. У халқларнинг қониде, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун у қудратлидир.

Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

XII аср ва ДУНЁ

Бир кундан кейин Путин Россия-Ҳиндистон 23-саммитида иштирок этиш учун Деҳлига боргани бу мамлакатга – Украинадаги уруш, РФга қарши мислсиз Ғарб санкциялари ташрифга йўл қўймаган.

Президент ёрдамчиси Ушаков бўлажак ташрифни "ўта жиддий" ва "муҳим" деб атаган. Ҳинд ташқи ишлар вазири Жайшанкар уч ой ичиде икки марта Москвага келиб-кетди. Бош вазирнинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Довал август ойида бир ҳафта Москвада қолиб, етакчи билан учрашди. Модди ва Путин сўнги ойларида бир неча бор телефон орқали мулоқот қилишди.

2000 йил октябрда Путин ва бош вазир Важапай Стратегик шекилик декларациясини имзолашган. Унда икки давлат раҳбари ҳар йили учрашиб туриши тўғрисида келишув банди бўлган.

Анъанага йигирма йил риоя қилинди. Санкциялардан ташқари,

нефть импортининг 40 фоизини ташкил этарди.

Америка санкцияларини бузишга журъат этмаган Ҳиндистоннинг етакчи нефтни қайта ишлаш компаниялари янги буюртмаларни тўхтатди.

Путин таҳдид қилишга мажбур бўлди: "Ҳиндистон энергия манбаларимиздан воз кечса, зарар кўради – юқори божлар қўринишидаги санкциялар жорий этилади".

Ҳиндистон тузоққа тушиб қолди. Трамп босимини юмшатмоқчи эмас.

АҚШ Конгрессида Россияга янги санкциялар лойиҳаси тайёр – у нефть, газ, уран ва бошқа ресурсларни сотиб оладиган мамлакатлар товарларига 500 фоиз миқдоридеги импорт божларини назарда тутди.

Ана шундай вазиятда Путин Деҳли бормоқда, қолаверса, Вашингтонга messaж бермоқда: РФ-Ҳинд ҳамкорлиги Трамп уйлағанидан кўра мустаҳкам, Вашингтон Москва ва Деҳли орасини буза олмади.

Аброр ХОН, халқаро шарҳловчи

НЕТАНЬАХУ АФВ СЎРАМОҚДА...

Нетаньяху мамлакат президенти Герцогга расмий афв сўраб, ариза топширди. "Айбисизлигимни исботлаш учун суд жараёни ўтишидан манфаатдорман. Уни тўхтатиш эса суд атрофида авж олган баҳслар шиддатини камайтиришга ёрдам беради..."

Мавжуд тартибга кўра, Адлия вазирлиги тегишли идоралар фикрларини тўплаб, тавсияларини юридик маслаҳатчига юборарди.

Исроил президенти суд томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этишга, жуда кам ҳолларда эса — суд жараёни якунланмасдан туриб афв этишга ҳақли, аммо бу ҳаракат жамоат манфаатларига мос келади, деб тан олган тақдирдагина амалга оширилади.

Нетаньяхуга нисбатан коррупция бўйича тергов 2016 йил декабрь ойида бошланган, 2019 йилда унга расман бир нечта коррупция ишлари бўйича айблов эълон қилинган, бош вазир бу айбловларни рад этиб келади.

У, хусусан, миллиардер ва Голливуд продюсеридан ўн минглаб долларлик совғалар – сигаралар ва шампань винолари олганлиқда айбланади, бунинг эвазига у шахсий ва хизмат манфаатларида ёрдам бер-

унинг шаклланишига эса ҳали анча бор.

Нетаньяху аслида ўзини Трампга "топшириб қўя қолди", чунки бошқа вариант Ғазода катта йўқотишлар ва ноаниқ натижа билан тўлиқ миқёсдаги босқинчи давом эттириш бўларди. Яҳудий жамияти уни кескин қалабасиз узоқ йиллик уруш учун кечирмайдилар. Бугунги вазиятда эса уни бу галабага эришиш имкониятидан мажбурлашгани билан ўзини оқлаш учун ажойиб сабаб пайдо бўлди.

Аниқроғи, урушнинг тугаши бош вазир учун ҳокимиятни йўқотиш ва ҳатто озоқликдан маҳрум бўлиш хавфини оширди.

Ҳокимиятни сақлаб қолиш ва қомодан қутулиш йўли – душманини енгиш. Бу ёғига Исроилда ресурслар етарли эмас, аммо урушнинг давом эттиришдан бошқа чора қолмапти...



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV

G’afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV
Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV
Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV
Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o’rinbosari,
nashr uchun mas’ul:
Subhrojon SADIROV

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Ekspeditor:
Behruz NURBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.

Nashr ko’rsatkichi – 205.
Buyurtma G-1135.

2 430 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taqob. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonasi manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

Uz muhbirimiz

1 2 3 4 5 6

▼ Чоршанба йўқлови



Шоирнинг сўзи – элнинг руҳи. Сўзга садоқат, туйғулар самимияти, дилга яқин оҳанглар чин ижодкорлик муждаларидир.

Бугун ана шундай самимий шеърят оламида ўз овози, ўз йўли ва ўз мактабига эга бўлган ижодкор – Чоршамъ Рўзиев 70 ёшга кириб, ҳаётнинг яна бир муборак довоидан ошди.

Шоир ижодининг асосида инсоннинг руҳий олами туради. Унинг шеърлари сокин кечалар каби сирли, тонг шабадаси каби соф, халқнинг ўзи каби самимий. Шоирнинг етмиш йиллик умр йўли – адабиётга, миллий маънавиятга, забардаст сўз санъатига бағишланган улкан дархонадир.



Бизга Баҳор Бегонадур Борган сари...

– инсон умри мобайнида “пишиб етилган” тасаввуфна хотиржамликдир.

Шеърнинг охиридаги сатрлар эса шоир ҳаётининг энг шахсий, энг нозик нуқтасини очади.

“Шоидан кетар бўлса Чоршамъ борар ери, Бухорою Фарғонадур борган сари” дейилиши – енгилгина қофиябандлик ёки лирик интрига эмас, балки чуқур маъноли эътирофдир.

Бухоро – шоирнинг туғилган, илдиз отган, болалиги синган юрт. Фарғона эса унинг умр йўлдоши, сирдоши ва маслақдоши бўлган Зулхумор аянинг туғилиб улғайган макони.

Шундай қилиб, шоир умрининг қайси манзилга боришидан қатъи назар, унинг руҳий йўли иккита муқаддас маконга қайтади: бири – ўзининг илдизи, иккинчиси – унга муҳаббат ва ҳамроҳ, яъни фарзандларининг, юрагининг илдизини берган юрт.

Чоршамъ Рўзиев – ўзбек шеърятининг жимжит, аммо теран дарёдек оқиб келаётган улкан бир оқимдир. Унинг 70 йиллик ҳаёт ва ижод йўли – бу шунчаки саналар кетма-кетлиги эмас, балки бир шоирнинг ўз халқига, сўзга, маънавиятга бўлган садоқати билан бунёд этган маънавий мактабидир. У турли жанрларда яратган асарлари, эссе ва хотира китоблари, газаллари, ҳажвиёти ва лирик шеърлари орқали ўзбек адабиётида ўзига хос бадиий дунё яратди. Рўзиев сўзининг кучи – баланд оҳангда эмас, балки сокин, аммо юракни ўртовчи дард билан айtilган самимийликда.

Унинг ижоди халқона соддалик ва фалсафий теранликнинг ўзига хос уйғунлигиндан иборат. Ҳар бир мисра орқали шоир инсон руҳининг оғир саволларига жавоб қидиради, ҳаётнинг мураккаб манзараларини кўнгил кўзгусида акс эттиради. Шоирнинг ёзганлари шунчаки бадиий матн эмас – уларнинг ҳар бири ҳаётнинг қузатиш, руҳий изтироб, маънавий изланиш ва инсоний покланиш жараёни билан йўғрилган. Унинг ижодида Яратганга ишонч, ҳаётнинг моҳиятини англашга интилиш, туйғу ва тафаккурнинг юксак уйғунлиги яшайди.

Чоршамъ Рўзиев яратган ҳар бир асар, ҳар бир сатр вақт ўтгани сари кадр топиб, китобхон қалбига ўз ўрнини мустаҳкамламоқда. У Бухоронинг қадим ҳавосидан, Фарғонанинг беғубор руҳи ва ҳаёт фалсафасидан илҳом олиб, адабиётимиз учун бебаҳо хазина бўлиб қоладиган мерос яратди. Ўз юртига, ўз илдизига, ўз муҳаббатига содиқ бўлган ижодкор сифатида муҳлисларга назмий нур, ишонч ва маънавий мадад улашиб келмоқда.

Шоирнинг 70 ёшга кирган палласини эътироф этар эканмиз, бу ёш унинг ижодида яқин эмас, балки янги босқичнинг бошланишидир, дегимиз келади. Чунки чинакам шоирлик умрининг фаслларига боғлиқ эмас – унинг баҳорги таровати ҳам, кузги саховати ҳам, киши ҳаловати ҳам сўзида яшайди.

Ўтқир ҲОШИМОВ,
“Ташкент ҳақиқати” муҳбири

Шеърга эпиграф қилиб танланган Баҳовуддин Нақшбанднинг “Шамъга ўхшаб яшанг...” деган ҳикмати мазмун жиҳатдан бутун асарнинг асосий ғоясини очиб беради: ижодкор қалби ўзи куйиб, атрофини ёритади. Шеър шу фикрнинг давомига ўхшайди, ғўе.

Асарда шоир шеърятни бир мавҳум ташунча эмас, балки одамдек тирик, ҳиссиётли, миннатдор бўлиши мумкин бўлган яратқ сифатида тасаввур қилади. Бу – лирикнинг энг нозик усулларидан бири: шеърятни ҳаётнинг ўзига айлантириш.

Шоир ўз ҳаётини, кечасини, уйқусини, қувончи ва қайғусини, ҳатто оғригини ҳам шеърятга бағишланган хизмат деб билади. Бунда шоирнинг ички дунёси тўлиқ очилади: у нафсга эмас, қалбга хизмат қилади; у ҳузур изламайди, балки илҳом излаб азобланади; у ҳаловатга эмас, яратишга интилади.

Шеърда қайта-қайта учрайдиган оғрик, азоб, кечалар, кўз ёши, қийналиш каби образлар – шоирнинг изтиробини эмас, балки унинг бунёдкор руҳий изтиробларини ифода қилади. Бу оғрик шоирни “емайди”, аксинча, уни яратди. Айнан шундай изтироблар тасаввуфга хос руҳий покланишнинг поэтик кўринишидир.

Шоирнинг “жонимни Жабборга бераман”, “руҳимни қийноқда кўраман”, “кўнгилни эзгилаб юраман” каби сатрлари эса ижоднинг илҳомий илдизига бориб тақалишини эслатади: ижод – шоирнинг эмас, Яратганнинг унга ҳадя этган синови.

Шеърнинг энг катта кучи эса ундаги радифдир – “Сен учун шеърят, сен учун ижод...”

Бу радиф ҳар сафар такрорланганда шоирнинг руҳий ҳолати янада чуқурлашади, каломнинг мазмуни эса янада шаффоқлашади. Бу такрор шоирнинг шеърятга бўлган муҳаббати илҳом эмас, тасодиф эмас, балки ҳаётнинг қарор, иймон, садоқат эканини билдиради. Шеърятнинг учун шунчаки машғул эмас – тақдир.

Асарнинг умумий оҳанги романтик эмас, баландпарвоз ҳам эмас – балки чуқур, ваэмин, ичдан ёниб турайдиган лиризмдир. Шоир ўзининг барча оғриқларига қарамай, бу йўлдан фахрланиб боради. Шеърнинг руҳида алам эмас, кўтаринчилик бор; қийналиш

эмас, ижобий ирода бор; машаққат эмас, шараф бор. Шоир зорланмайди, аксинча, фахрланади. Чунки бу машаққат – унинг ижод деб аталган улғу неъматга бўлган вафо белгисидир.

Унинг кўпчиликлари яши таниш бўлган яна бир шеърини келтиришни истайман:

*Бизга баҳор бегонадур борган сари,
Кўнглимиз ҳам вайрондур борган сари.*

*Шодон елиб юрар эдик авваллари
Энди умр ғамхонадур борган сари.*

*Толиқдими яшамокдан жисму-жоним,
Тан ичра дард пинхонадур борган сари.*

*Шифо истаб чиқсам манзил-маконлар
Топар жойим хилхонадур борган сари.*

*Дўсту ёр ҳам йироқлашиб секин-секин,
Адоватлар хуфёнадур борган сари.*

*Изланаман, йилганаман, руҳим туяра,
Елғиз худо ҳамхонадур борган сари.*

*Шоидан кетар бўлса Чоршамъ борар ери,
Бухорою Фарғонадур борган сари.*

“Бизга баҳор бегонадур борган сари” – инсон умрининг кеч фаслида туғиладиган чуқур ички кечималар, ёшлиқнинг узоклашуви ва кўнгилнинг тобора оғирлашиб боришини ифодалаган теран лирик шеър. Шоир баҳорни – шодлик, енгиллик, беғуборлик рамзи сифатида олади ва умр ўтган сари бу ҳолатлардан узоклашганини поэтик изтироб билан ифода қилади. Энди баҳор ташқи фасл эмас, балки кўнгилга бегоналашган ҳис бўлиб қолади.

Шеър давомида шоирнинг ички изтироблари аста-секин кучаяди: тан ичидаги пинхона дардлар, манзиллардан шифо излаб, аммо “хилхона” – яъни айрилиқ, бекарорлик, бефарқлик топши, дўстларнинг йироқлашуви, пинхоний адоватлар – бари ҳаётнинг муқаррар ва оғриқли манзараларидир...

Бу дардлар фониди шоирнинг энг барқарор таскин – Яратганнинг доимий ҳамроҳлигидир. “Елғиз Худо ҳамхона” бўлиб қолиши

БАРАКА – ОБОДЛИКДА

Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 33 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган “Обод маҳалла”, “Обод кўча” ва “Обод хонадон” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

▼ Танлов

Танловнинг саралаш босқичларида вилоятнинг шахар ва туманларидаги 883 та маҳалла қамраб олиниб, мезонларга мувофиқ энг намунали иштирокчилар аниқланган эди. Улар вилоят босқичида беллашишди.

Тадбирда вилоят “Нуроний” жамғармаси раҳбари Абдусамд Носиров Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фузайлон Ҳошимов, “маҳалла еттичилиги” аъзолари, соҳа вакиллари қатнашишди.

Унда сўз олганлар танловнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, иштирокчиларга омад тилашди.

– Танловни ўтказишдан асосий мақсад – республикада энг намунали маҳалла, хонадон ва кўчани аниқлаш, уларнинг илғор тажриба-

сини оммалаштириш ҳамда бу орқали ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва оилавий ажримлардан ҳоли ҳудудлар сонини кўпайтириш, маҳаллаларда ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш, – дейди Ф.Ҳошимов. – Бугунги босқичда мамлакатимизда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси яққол кўзга ташланди. Қатнашчиларнинг барчаси чиқишлари орқали голибликка муносиблигини исботлашмоқда.

Режага кўра, “Обод хонадон” ва “Обод кўча” номинацияларида қатнашчилар ўз ҳудудларида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари акс этган фотоальбом ва видеороликларни тақдим этишди.



“Обод маҳалла” номинациясида эса маҳалла раислари тақдимот билан бирга савол-жавоб жараёнида тажриба ва ташаббусларини намойиш қилдилар.

Яқуний натижаларга кўра, Пискент туманининг “Бекобод” маҳалласи вилоятдаги энг обод маҳалла деб топилди. “Обод хонадон” номинациясида Янгийўл туманининг “Қирариқ” маҳалласидаги Марат Латипов хонадони голиб деб

эътироф этилди. Чирчиқ шаҳридаги “Шарқ” маҳалласининг Муҳимий кўчаси “Обод кўча” номинациясида голибликни кўлга киритди. Энди улар танловнинг Республика босқичида иштирок этишади.

Ҳали билан совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўз муҳбиримиз